

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 10 ” январь

№ ПҚ-4105

“ ____ ” _____ 20 ____ г.

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги
фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 10 январдаги ПФ-5621-сон ва “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 10 январдаги ПФ-5623-сон фармонларининг ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг марказий аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги тўғрисида низом 3-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони 30 бирликдан иборат бўлган Урбанизация агентлиги тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг тузилмаси 5-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг тузилмаси, вилоятлар иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаларининг намунавий тузилмаси 6 ва ба-иловаларга мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, вилоятлар иқтисодиёт ва саноат бош бошқармалари, шунингдек туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва саноат бўлимлари ходимларининг умумий чекланган сони 7 ва 7а-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, вилоятлар иқтисодиёт ва саноат бош бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва саноат бўлимлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари 8, 8а ва 8б-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлигига:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, вилоятлар иқтисодиёт ва саноат бош бошқармалари, шунингдек идоравий бўйсунувидаги ташкилотлар тузилмасига белгиланган штатлар сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек экспертларни консультант сифатида жалб қилиш;

малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақи миқдори ҳамда бошқа тўловларни чет эл валютасида белгилаш ҳуқуқи берилсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек устав фондининг (капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар ҳар йили 1 декабрга қадар келгуси йилда **жорий хўжалик фаолиятини** таъминлаш учун моддий-техник ресурслар рўйхатини (кейинги ўринларда – Рўйхат) шакллантиради ва **уларни кузатув кенгашлари розилиги билан** давлат харидлари сайтида мажбурий тартибда эълон қилади;

2020 йил 1 январдан бошлаб давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш ва тегишли товарларнинг нархлари мувофиқлиги учун жавобгарликни бошқарув органларига юклаган ҳолда Рўйхат бўйича (капитал қўйилмалар бундан мустасно) товарлар (ишлар, хизматлар) давлат харидлари бўйича техник топшириқлар, контрактлар ва импорт контрактлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКда (кейинги ўринларда – Марказ) экспертизадан ўтказилмайди;

2019 йил 1 февралдан бошлаб товарлар (ишлар, хизматлар) давлат харидлари бўйича техник топшириқлар нарх кўрсаткичларининг ўртача бозор даражасини ўрганиш натижалари бўйича дастлабки ҳисоб-китоблар асосида шакллантириладиган уларнинг чекланган қийматини белгилаган ҳолда экспертизадан ўтказиш учун Марказга тақдим этилади;

контрактлар, импорт контрактлари ва уларга қўшимча келишувлар Марказда мажбурий экспертиза ва рўйхатдан ўтказилмайди;

тузилган контрактлар ва импорт контрактларининг техник топшириқларга мувофиқлиги, шунингдек уларнинг бажарилиши учун давлат буюртмачиси жавобгар бўлади;

давлат буюртмачиси контрактларни, импорт контрактларини ихтиёрий равишда шартнома асосида экспертизадан ўтказиш учун Марказга тақдим этиши мумкин;

товарлар (иш ва хизматлар) давлат харидига техник топшириқларни комплекс экспертизадан ўтказганлик учун қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда давлат буюртмачиси томонидан белгиланган чекланган қийматнинг 0,1 фоизи, лекин энг кам иш ҳақининг 100 баробаридан ортиқ бўлмаган миқдорда тўлов ундирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги 2019 йил 1 мартга қадар:

Марказ томонидан лойиҳа олди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказишнинг янгиланган тартибини;

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунга, шу жумладан Рўйхатнинг давлат харидлари ихтисослаштирилган сайтларида эълон қилиниши бўйича мажбурий талаблар ва белгиланган талабларга риоя қилинишини назорат қилишни назарда тутадиган ўзгартиришлар тўғрисидаги тақлифларни;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига “Электрон ҳукумат” тизимига тақдим этилиши ва киритилиши лозим бўлган маълумотлар таркиби бўйича тақлифларни киритсин ҳамда Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимининг белгиланган протокол бўйича платформа форматида мажбурий қўлланилишини таъминласин.

6. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Урбанизация агентлиги директорининг ўринбосарлари, шу жумладан биринчи ўринбосари ҳамда Марказ директори ва директор ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири, унинг ўринбосари – Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси томонидан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири билан келишилган ҳолда;

вилоятлар иқтисодиёт ва саноат бош бошқармалари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари – вилоятлар ҳокимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири билан келишилган ҳолда;

туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва саноат бўлимлари бошлиқлари – тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазири, вилоятлар иқтисодиёт ва саноат бош бошқармалари бошлиқлари тақдимномасига кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

7. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги хузуридаги Урбанизация агентлиги ходимларига Вазирлик марказий аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий химоя шартлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, вилоятлар иқтисодиёт ва саноат бош бошқармалари, шунингдек туманлар ҳамда шаҳарлар иқтисодиёт ва саноат бўлимлари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқаруви ҳудудий органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 9 январдаги ПҚ–2722-сон қарорининг 1-бандида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) бир ой муддатда белгиланган тартибда Вазирлик марказий аппарати ходимлари ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг штат жадвалини тасдиқласин.

9. Вазирлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда кичик саноат зоналарининг фаолиятини қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда таъминласин:

табiiй ва иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари;

ички истеъмол бозорини юқори сифатли ва харидоргир маҳаллий ишлаб чиқариш товарлари билан тўлдириш, бўш турган объектларни ва мавжуд маҳаллий меҳнат ресурсларини, айниқса ёшларнинг меҳнат кучидан самарали фойдаланиш мақсадида лойиҳаларни мақбул жойлаштириш;

йирик ва кичик корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш, шу жумладан маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босиш бўйича лойиҳаларни ташкил этиш орқали минтақаларнинг саноат салоҳиятини ошириш ва кичик саноат зоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар бозорини кенгайтириш;

кичик саноат зоналарида лойиҳаларни амалга ошириш ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилган мониторинги натижалари.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари **бир ой муддатда:**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, вилоятлар иқтисодиёт ва саноат бош бошқармалари ходимларининг штатлар жадвалини ва кўп йиллик хизматлари учун тўловлар миқдорини тасдиқласинлар;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари зиммасига юкланган вазифаларни юқори касбий даражада амалга оширишга қодир, зарур билим ва кўникмаларга эга бўлган малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласинлар;

Вазирлик билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги тўғрисидаги низомни, вилоятлар иқтисодиёт ва саноат бош бошқармалари, шунингдек туманлар (шаҳарлар) иқтисодиёт ва саноат бўлимлари тўғрисидаги намунавий низомларни белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

11. Белгилансинки:

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, вилоятлар иқтисодиёт ва саноат бош бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) иқтисодиёт ва саноат бўлимларининг жорий таъминоти ва улар фаолиятини, шунингдек ходимларига кўп йиллик хизматлари учун тўловларни молиялаштириш Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ва вилоятларнинг вилоят бюджетлари ҳисобидан амалга оширилади;

ходимларининг чекланган умумий сони 70 бирликдан иборат Вазирликнинг Маъмурий биносидан фойдаланиш бошқармаси бюджет ташкилотига тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти (кейинги ўринларда – Институт) директори мақоми ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, тиббий ва транспорт таъминоти шароитлари бўйича вазирнинг ўринбосарига тенглаштирилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Институт томонидан ижтимоий-иқтисодий соҳада тадқиқотларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий давлат молия ташкилотларининг грантлари ҳар йили жалб этилишини таъминласин.

13. Институт:

қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажбурий тарқатиладиган ташкилотлар рўйхатига;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, бошқа вазирлик ва идоралар статистик ахборот бюллетенларини мажбурий тарқатиш рўйхатига киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Вазирлик, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилги Инвестиция дастури

доирасида марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан, буюртмачи этиб “Тошкентқурилишинвест” инжиниринг компаниясини ва бош лойиҳачи этиб “Тошгипрошаҳар” АЖни белгилаган ҳолда институтнинг муҳандислик-коммуникация тизимларини модернизациялашни ва институт биносининг техник иншоотларини қайта таъмирлашни амалга оширилишини таъминласин.

15. Вазирлик ва унинг ҳузуридаги Урбанизация агентлиги Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45а-уй манзилида жойлаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳоқими аппарати билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Марказни жойлаштириш учун бино ажратиш бўйича таклиф киритсин ҳамда янги жой аниқлангунига қадар у эгаллаб турган Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 1-уй манзилидаги жой ўзида қолдирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ–2934-сон қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

18. Вазирлик бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Вазирликнинг янги ташкил этилган бўлинмаларини зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган назарий билим ва амалий кўникмаларга эга малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Урбанизация агентлиги тўғрисидаги низомни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев


Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил “10” январдаги ПҚ–4105 -сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг ташкилий тузилмаси




Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг марказий аппарати ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – 199 нафар.


*) Вазирлик марказий аппаратининг умумий штат бирлигига қирмайди

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Урбанизация агентлиги ТУЗИЛМАСИ



Изоҳ: бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – 30 нафар.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти
ТУЗИЛМАСИ




Жами 92 та штат бирлиги, шу жумладан илмий ходимлар – 66 та штат бирлиги.
Ердамчи ходимлар сони белгиланган меъёрларга мувофиқ аниқланади.

**Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – 55 нафар.

**Вилоятлар иқтисодиёт ва саноат бош бошқармалари
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – 41-55 нафар.
(* ҳудуд тоифасидан келиб чиққан ҳолда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил “10” январдаги ПҚ-4105 -сон қарорига
7-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги,
вилоятлар иқтисодиёт ва саноат бош бошқармалари
ходимларининг умумий чекланган сони**

| Тоифалар бўйича ҳудудлар номи | Ходимларнинг чекланган сони (бирликда) |
|--|---|
| I тоифадаги ҳудудлар | |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 55 |
| Андижон вилояти | 55 |
| Қашқадарё вилояти | 55 |
| Самарқанд вилояти | 55 |
| Тошкент вилояти | 55 |
| Фарғона вилояти | 55 |
| II тоифадаги ҳудудлар | |
| Бухоро вилояти | 47 |
| Навоий вилояти | 47 |
| Наманган вилояти | 47 |
| Сурхондарё вилояти | 47 |
| Хоразм вилояти | 47 |
| III тоифадаги ҳудудлар | |
| Жиззах вилояти | 41 |
| Сирдарё вилояти | 41 |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил “10” январдаги ПҚ-4105 -сон қарорига
7а-илова

**Туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва саноат бўлимлари
ходимларининг умумий чекланган сони**

| Лавозим | Чекланган сони: | | |
|----------------------|---------------------------------|--|-------------------------------|
| | маъмурий марказларда | вилоят бўйсунувидаги шаҳарларда | қишлоқ туманларида |
| Бўлим бошлиғи | 1 | 1 | 1 |
| Бош мутахассис | 2 | 1 | 0-1 |
| Етакчи мутахассис | 2 | 1 | 0-1 |
| 1-тоифали мутахассис | 1 | 1 | 1 |
| Жами | 6 | 4 | 3-4 |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил “10” январдаги ПҚ-4105 -сон қарорига
8-илова

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги
марказий аппарати ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш
РАЗРЯДЛАРИ**

| Лавозими | ЯТС бўйича разрядлари |
|---|----------------------------------|
| Вазир | 19 |
| Вазирнинг биринчи ўринбосари | 18 |
| Вазир ўринбосари | 18 |
| Департамент бошлиғи, Агентлик директорининг биринчи ўринбосари | 17 |
| Департамент бошлиғи ўринбосари, Агентлик директори ўринбосари | 17 (-3%) |
| Бошқарма бошлиғи | 17 (-5%) |
| Бошқарма бошлиғи ўринбосари | 16 |
| Бўлим бошлиғи | 16 |
| Бўлим бошлиғи ўринбосари | 15 |
| Девонхона мудири, хизмат бошлиғи, вазир ёрдамчиси | 15 |
| Бош мутахассис | 13 |
| Етакчи мутахассис | 12 |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил “10” январдаги ПҚ-4105 -сон қарорига
8а-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги,
вилоятлар иқтисодиёт ва саноат бош бошқармалари
ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш
РАЗРЯДЛАРИ**

ЯТС бўйича

| Лавозим | I тоифа | II тоифа | III тоифа |
|---|----------------|-----------------|------------------|
| Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазири, Бош бошқарма бошлиғи | 16 | 15 | 14 |
| Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазири ўринбосари, Бош бошқарма бошлиғи ўринбосари | 15 | 14 | 13 |
| Бўлим бошлиғи | 14 | 13 | 12 |
| Бўлим бошлиғи ўринбосари | 14 (-5%) | 13 (-5%) | 12 (-5%) |
| Бош мутахассис | 13 | 12 | 11 |
| Етакчи мутахассис | 12 | 11 | 10 |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил “ 10 ” январдаги ПК-4105 -сон қарорига
86-илова

**Туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва саноат бўлимлари
ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш
РАЗРЯДЛАРИ**

| Лавозим | ЯТС бўйича разрядлар: | | |
|----------------------|-------------------------|---------------------------------------|-----------------------|
| | маъмурий марказларда | вилоят бўйсунувидаги шаҳарларда | қишлоқ туманларида |
| Бўлим бошлиғи | 14 | 13 | 12 |
| Бош мутахассис | 13 | 12 | 11 |
| Етакчи мутахассис | 12 | 11 | 10 |
| 1-тоифали мутахассис | 11 | 10 | 9 |

